ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ
ХИВА ШАҲАР
ҲОКИМИНИНГ
ҚАРОРИ

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI
XORAZM VILOYATI
XIVA SHAHAR
HOKIMINING
QARORI

2020 йил «18» февраль № 381 Хива шаҳри

Шаҳардаги транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида

"Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги, (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда), "Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида"ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 15-сон, 197-модда) Ўзбекистон Республикаси Қонунларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлари Маҳкамасининг 2003 йил 31 январдаги "Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида"ги 54-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 1-2-сон, 17-модда) асосан, 2020 йилда шаҳардаги транспорт воситаларининг мажбурий техник кўригини ташкил қилиш мақсадида,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Хива шаҳар Ички ишлар бўлими Йўл ҳаракати хавфсизлиги гуруҳи катта инспектори (С.Абдурахмонов) зарур шарт-шароитларга (техник диагностика ускуналарига, кўтариш мосламаларига ёки қараб чиқиш учун чуқурчаларга, назорат ўлчаш асбоболарига, асфальт ёки бетон қопланган бир текис горизонтал майдончага) ва малакали мутахассисларга эга бўлган ташкилотларда ва техника хизмати кўрсатиш станцияларида, шаҳардаги юридик ва жисмоний шахсларга, шу жумладан хорижий юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган транспорт воситаларининг мажбурий техник кўрикдан (кейинги ўринларда матнда "техник кўрик" деб юритилади) ўтказилишини таъминлансин:

а) шаҳардаги юридик шахсларга тегишли бўлган транспорт воситаларининг техник кўриги 1 мартдан 30 июнгача;

б) тижорат асосида йўловчи ташиш учун фойдаланиладиган енгил автомобиллар, автобуслар ва ўтириладиган жойлар сони 8 та ва ундан ортиқ бўлган (ҳайдовчининг ўрнидан ташқари), одамларни мунтазам ташиш учун жиҳозланган юк автомобиллари, йирик габаритли, оғир вазнли ва хавфли юкларни ташиш учун махсус транспорт воситалари ва уларга тиркамалар бир йилда икки маротаба (1 мартдан 30 июнгача ва 1 сентябрдан 31 октябргача);

в) жисмоний шахсларга қарашли бўлган транспорт воситаларининг техник кўриги 1 мартдан 31 августгача ўтказилсин.

Ишлаб чиқарилганлигига беш йилдан кўп бўлмаган транспорт воситалари икки йилда бир марта техник кўрикдан ўтказилсин, ушбу бандининг "б" кичик бандида

Scanned by CamScanner

қайд этилган, бир йилда 2 марта техник кўрикдан ўтказилиши лозим бўлган транспорт воситалари бундан мустасно.

2. Шаҳарда транспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказиш учун тузилган комиссия таркиби 1-иловага мувофиқ, юридик шахсларга қарашли транспорт воситаларини мажбурий техник кўригини ўтказиш жадвали 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Техник кўрикдан ўтказувчи шаҳар комиссияси:

транспорт воситалари техник кўрикдан ўтказилганлиги учун (мототранспорт, тиркамалар ва ярим тиркамалардан ташқари) энг кам ойлик иш ҳақининг ўндан бир қисми миқдорида;

мототранспорт, тиркамалар, яримтиркамалар техник кўрикдан ўтказилганлиги учун энг кам ойлик иш ҳақининг йигирмадан бири миқдорида йиғим ундирилсин.

Ушбу қарорнинг 1-қисми "б" кичик бандида кўрсатилган транспорт воситалари иккинчи марта техник кўрикдан ўтказилганлиги учун йиғим ундирилмайди.

Биринчи (олдинги) техник кўрикда носоз деб топилган транспорт воситалари такрорий техник кўрикдан ўтказилганлиги учун белгиланган миқдорларда йиғим ундирилади.

4. Транспорт воситларини техник кўрикга жалб қилишда Йўл ҳаракати хавфсизлиги гуруҳига, шаҳар мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти, маҳалла фуқаролар йиғини раислари, шаҳар Ички ишлар бўлими ходимлари ва жамоатчилик асосида амалий ёрдам кўрсатилиши тавсия қилинсин.

5. Мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан шаҳар ҳокимининг 2019 йил 1 мартдаги 650-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Шаҳар Ички ишлар бўлими Йўл ҳаракати хавфсизлиги гуруҳи транспорт воситаларининг техник кўриги натижалари бўйича шаҳар ҳокимлигига 2020 йил 10 ноябргача ёзма ахборот бериш вазифаси топширилсин.

7. Ушбу қарор Хива шаҳар ҳокимлигининг расмий нашри ҳисобланган "Хива тонги" газетасида эълон қилинсин.

8. Шаҳар ҳокимлиги бош юрисконсульти (А.Юсупов):

мазкур қарорни шаҳар ҳокимлигининг Xivahokimiyat.uz расмий веб-сайтига жойлаштирсин;

Хива шаҳар Ички ишлар бўлими Йўл ҳаракати хавфсизлиги гуруҳи (С.Абдурахмонов) билан биргаликда ушбу қарорнинг мазмун-моҳияти тўғрисида аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб борсинлар.

9. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш шаҳар ҳокимининг ўринбосари О.Бекчанов зиммасига юклатилсин.

Хива шаҳар ҳокими **С.Жуманиязов**

Scanned by CamScanner